

International Journal of Agrobiotechnology and Veterinary Medicine



Special Issue

2022



Table of Content_Special Issue

ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ЗАДАЧИ РАЗРАБОТКИ И ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВЕ

No	Paper Title	Author Name	Page No
251	HARAKATLI O'YINLAR VOSITASIDA JISMONIY TARBIYA DARSLARINING SIFAT SAMARADORLIGINI OSHIRISH, O'QUVCHILARDA UMUMINSONIY QADRIYATLAR TIZIMINI SHAKLLANTIRISH	Z. M. Abduraximova	1092-1095
252	ОЗУҚАЛАРНИ СУТ ЗАРДОБИ БИЛАН ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ КИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	Абдисаломова М. А	1096-1098
253	АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИДАГИ ХАВФСИЗЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ	Ахматова Қ. А, Саламов И	1099-1102
254	INTERFAOLLIKNI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI	Yo. Axtamova, O. Isakov, S. Mo`minova	1103-1106
255	ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШДАГИ ЎРНИ	Бегимқулов З. А	1107-1109
256	ИССИҚХОНАДА БОДРИНГ ПАРТЕНОКАРПИК ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ДИНАМИКАСИ	Бекмурадова Х. К, Ўринова М	1110-1113
257	ЎЎЗА ҚАТОР ОРАЛИРИГА СУСПЕНЗИЯ СЕПИШДА КХУ-4А КУЛЬТИВАТОРИГА ЎРАНТИЛГАН ВЕНТИЛЯТОРЛИ ПУРКАШ МОСЛАМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	А. Ж. Бекназаров, Б. Х. Кулдашов, М. Э. Рахимов, Э. Ф. Бекимбитова	1114-1118
258	БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ ЛУГОВЫХ ПОЧВ, ЗАСОЛЕННЫХ КАРБОНАТАМИ МАГНИЯ И ИХ ИЗМЕНЕНИЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ КОМПОСТОВ	Бобоева Н. А, Абдисаломова М. А, Убайдуллаева Ш. Д	1119-1122
259	АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ	А. Даминов	1123-1131
260	THE USAGE OF ICT TOOLS INTENDED TO ACQUIRE KNOWLEDGE BY STUDENTS IN ENGLISH CLASSES	Davronova F. P.	1132-1136
261	ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ТЕЗКОР ЎРГАТИШДАРАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГАҲАМИЯТИ	Давронова Ф. П, Носирова Д. Б, Ботирова Э. Т	1137-1141
262	ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ТЕЗКОР ЎРГАТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	Давронова Ф. П	1142-1146
263	РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ТЕЗКОР ЎРГАТИШНИНГ ПЕДАГОГИК-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	Давронова Ф. П., Файзуллаева Н. Ж.	1147-1150
264	ДАСТЛАБКИ МАТЕРИАЛ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИНИНГ УРУҒЛИК КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ	И. Т. Эргашев, И. Қодиров, С. Абдиназаров	1151-1154
265	CHORVACHILIK YO'NALISHIDAGI FERMER XO'JALIKLARIDA SOTISH HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH	Eshmuradov U. T, Ortiqaliev A. B.	1155-1159
266	TA'LIMDA MEDIA VOSITALARI ORQALI TANQIDIY FIKRLASHNI SHAKLLANTIRISH	Fayzullayev F. U	1160-1162
267	DIETARY DIVERSITY AS A FOOD SECURITY INDICATOR	Fotima Saydullaeva	1163-1169
268	ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА	Гаппаров А. Қ.	1170-1173
269	JAMOATCHILIK TINGLOVI – JAMOATCHILIK NAZORATINI AMALGA OSHIRISH SHAKLI SIFATIDA	Haydarov O. E, Qoraboyev S. M.	1174-1176
270	NOFILOLOG TA'LIM YO'NALISHI TALABALARINING KOMMUNIKATIV KOMPETENTSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI VA ULARNING TURLARI	Tovosharov M. E, Ashiraliyeva M. F, Ashiraliyeva M. F, Rahmonova D. T.	1177-1179

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

А. Даминов

Samarqand davla tveterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti

Аннотация: Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар салтанатида қишлоқ хўжалиги ва хунармандчиликнинг ўзаро таъсири мавзуси таҳлил қилинган.

Унда мамлакат тараққиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни, унинг хунармандчиликнинг тўқимачилик, гиламчилик, кўнчилик, этикдўзлик, қоғоз ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларига хом ашё етказиб беришдаги ўрни таҳлил этилган.

Амир Темур салтанатидаги қишлоқ хўжалиги ва хунармандчиликнинг ўзаро таъсирини ўрганиш бугунги кун учун амалий аҳамият касб этади. У даврда сифатли ва инсон саломатлиги учун фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катта илмий тажрибалар тўпланган.

Калит сўзлар: Амир Темур, хунармандчилик, тўқимачилик, гиламчилик, кўнчилик, этикдўзлик, қоғоз ишлаб чиқариш.

Барчамизга маълумки, қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиши ривожланиши кейинчалик ер юзида тамаддунлар пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Қадимги ва ўрта асрлар тарихини назарда тутсак, давлат ва жамият равнақи, инсон ҳаёти ва таъминоти айнан қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Чунки давлат ва халқ ва жамиятнинг асосий даромади қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келган ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи асосий манба бўлган. Бугунги кунда ҳам инсониятни очликдан сақлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари катта рол ўйнайди, шунингдек, бу соҳанинг бошқа соҳаларга ҳам таъсири каттадир.

Амир Темур ва унинг ворислари даврида Амир Темур ва темурийлар салтанатидаги қишлоқ хўжалиги ва хунармандчиликнинг ўзаро таъсирини ўрганиш бугунги кун учун ҳам катта амалий аҳамият касб этиши мумкин.

Амир Темур ва Темурийлар салтанатида кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хунармандчилик соҳаларини зарур хом-ашёлар билан таъминлаб турган. Қишлоқ хўжалик хом-ашёсининг улуши тўқимачиликда, кулолчилик, қурувчилик, қандолат ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳам салмоқли бўлган. Шу билан бирга хунармандчилик соҳалари учун зарур бўлган хом ашёларни етказиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳам ихтисослашиб борган. Хунармандчиликнинг ривожланиши қишлоқ хўжалик хомашёларига бўлган талабни оширган ва шу туфайли ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳам хунармандчилик турлари ривожланган. Хунармандчилик соҳаларининг гуркираб ривожланиши соҳаларига қараб географик ҳудудларда ўзига хос тарзда ривожланиб борган.



Самарқанд салтанат пойтахти сифатида ҳунармандчилик кенг тараққий этган ва биз ўша давр ҳунармандчилиги турларининг кўплиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ушбу ҳудудда сон ва сифат жиҳатдан анча кўп бўлганини кўрамиз. Бундан кўринадики, Амир Темур салтанатида қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган. Бу пайтда Самарқандда ҳунармандчиликнинг қарийб 500 хил тури бўлиб уларнинг барчасини ҳом аёш билан таъминлаш ва уларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш масалалари ҳам ечилиши лозим эди. Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалиги соҳаларида етиштирилган ҳом ашёлар ҳунармандчилик равнақиға таъсир кўрсатган.

Тўқимачилик соҳасини қишлоқ хўжалигисиз ривожлантириб бўлмайди. Унинг аксарият тайёр маҳсулотлари қишлоқ хўжалиги ҳом ашёларидан тайёрланар эди.

Самарқанд ҳамда Амир Темур ва Темурийлар давлатининг бошқа шаҳарлари бозорларида фўта деб аталувчи енгил-юпқа мато сотилган. Фўта пахтадан, ипакдан ва жундан тайёрланган¹. Фўта ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ипакчилик ва чорвачилик соҳалари билан боғлиқ бўлган. Фўта ишлаб чиқариш ҳудудларида пахта, пилла етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришға ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Эркақлар салла тарзида ўраган мато ҳам, аёллар бошиға ўраган узунчоқ рўмол ҳам, тўн устидан боғланадиган белбоғ ҳам фўта деб юритилган.

Манбаларда самарқандлик фўта тўқувчи усталар — Устод Шохмуҳаммад фўтабофға Мир Муҳаммад деган бола, Устод Субҳиға эса Субҳонқули исмли бола шогирдликка олинганлиги ҳақидаги қозилик ҳукмлари мавжуд².

Ўша даврда ички ва ташқи бозорларда харидоргир ҳисобланган олача газламаси ҳам пахта толасидан тайёрланган, унга баъзан озгина ипак қўшиб ҳам тўқишар эди.

Одатда, асосан йўл-йўл чизиклар билан безатилган олачаға аҳолининг талаби катта эди. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ип, ипак, жун, зиғир, каноп ва бошқа толалардан турли рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар тўқиб чиқарилган. Ип, ипак, жун, зиғир, каноп ва бошқа толалар қишлоқ хўжалиги улушиға тўғри келиб у албатта тўқимачилик равнақиға сезиларли даражада таъсир кўрсатар эди.

Темурийлар даврида ҳам муайян газмол турини ишлаб чиқаришға ихтисослашган қишлоқлар мавжуд эди. Бухоро яқинидаги Олачабофтан қишлоғи аҳолиси олача ишлаб чиқариш билан машғул бўлган. Бундай қишлоқлар ҳунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулот, одатда, ўзға мамлакатларда сотиш учун мўлжалланар эди³.

Демак, ўша даврдаги қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ўзаро бир-бириға таъсир кўрсатган, давлат равнақи айнан бу соҳаларнинг бирдек ривожланишиға боғлиқ бўлган.

Бухоро яқинида Зандана қишлоғи “занданачи” газмоли ишлаб чиқарувчи устахоналари билан машҳур бўлган. Илк ўрта асрлардан машҳур бўлган занданачи матосиға XIV — XV асрларда ҳам талаб катта бўлиб, у пахтадан тайёрланар эди. Зандана матосиға олий навли пахта толалари ишлатилар ва ушбу ҳудудларда ва умуман салтанатда пахта етиштиришға алоҳида эътибор қаратилад эди.

¹ Амир Темур жаҳон тарихида...—Б. 93.

² Амир Темур жаҳон тарихида...—Б. 93.

³ Амир Темур жаҳон тарихида...—Б. 93.



Новгородда археологик қазишмалар чоғида топилган қайин пўстлогига ёзилган хат ва Тевтон ордени ҳужжатхонасидаги 1401 йилга оид ҳужжатдан аён бўлдики, занданачи Фарбий ва Шарқий Европада ҳам тарқалган⁴.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Европа мамлакатларига юборилган моллар орасида “занданачи” оддий шаҳарликлар харид қилишга қурби етмайдиган матолардан ҳисобланган. Пахта толасидан бўзнинг бадавлат аҳоли учун мўлжалланган юпка хилидан тортиб, қалин, оқланмаган, сарғиш ёки кулранг хилигача тўқилар эди. Оддий аҳоли учун анча қалинроқ, лекин иссиқни ўзида яхши сақловчи ранго-ранг бўз тўқилган. Читтарлар бўёқни ўзлари тайёрлашган. Шубҳасиз, бу ҳол улардан муайян кимёвий жараёнларни билишни, унча-мунча нақш санъатидан хабардор бўлишни талаб этар эди⁵.

Мовароуннаҳрда тўқилган бу маҳсулотлар албатта Буюк ипак йўли савдосига ҳам муҳим таъсир кўрсатган.

Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Наманган каби шаҳарларда ишлаб чиқарилган шойи газламалар Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқ ва Европа давлатларига олиб чиқарила эди.

Хунармандчилик соҳасида тўқимачилик билан бирга кулолчилик, гиламдўзлик ва бинокорлик соҳалари ҳам қишлоқ хўжалиги равнақи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган.

Гилам, палос ва наматлар шаҳарлик хунармандлардан ташқари, қишлоқ аҳолиси, хусусан, чорвадорлар томонидан ҳам тайёрланган. Сиркор кулолчилик ривожига бекиёс юксалиш ҳам XIV аср охири — XV аср бошларига тўғри келади⁶.

Сомон ўша даврда турли соҳаларда кенг фойдаланилган муҳим хом ашё ҳисобланган. Бугдой, арпа, жавдар, сули ва бошқа ғалла экинларини хирмонда ҳўкиз, от, эшак билан янчишда (хўп) мол туёғи таъсирида поя эзилиб, майда сомон ҳосил бўлади. У чорвачиликда ҳам кенг фойдаланилган. Молларга едиришдан олдин сомонга махсус усулларда: қайноқ сувда бўктириш, қайноқ бугда буглаш, барда, лавлаги турпи, қирқилган илдиз мевалар билан аралаштириш, ош тузи ва бошқа фойдали маҳсулотлар унинг хушхўрлиги ва тўйимлилигини оширади. Сомондан моллар тагига тўшама учун фойдаланилган.

Шунингдек, сомондан маҳаллий қурилиш материали сифатида кенг фойдаланилган. Сомонсувоқда лойга қўшилади, сувоқнинг мустаҳкамлиги ва ёрилмаслигини таъминлайди⁷.

Тут дарахти, асосан ипак қуртларини кўпайтириш ва боқиш учун экилган. Самарқанд ва Бухорода пилла сотадиган дўконлар бўлган.

Ранг тайёрлаш усули кўп йиллик меҳнат ва тажриба асосида такомиллашган ва одатда, сир тутилган. Бўёқ тўқимачилик ва кулолчиликдан ташқари, хунармандликнинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатилган. Жумладан, қоғоз ишлаб чиқаришда ҳам табиий ва баъзи минерал бўёқлар кенг қўлланилган. Бой безаклар билан битилган кўпгина қўлёмаларнинг хошиясига пушти, оч феруза, сарғиш, ҳаворанг қоғозлардан кесиб ёпиштирилган.

⁴Амир Темур жаҳон тарихида...-Б. 93.

⁵Ўша ерда.

⁶Темурийлардавривхунармандчилиги // <http://dkm.gov.uz/uz/temurijlar-davri-unarmandciligi>

⁷ЎМЭ Сомон





Бўёк олинадиган ўсимликлар, жумладан, қизил ва сариқ ранглар олишда фойдаланилган рўян ўсимлиги етиштирилган. Хина сиёҳ тайёрлашда, косметикада, доривор сифатида, қоғозга ранг беришда ишлатилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухорода "Қирмиз номли қимматбаҳо бўёк чўлдаги унча катта бўлмаган дарахт қуртларидан олинган"⁸.

Султон Али Машҳадийнинг сўзларига қараганда, қоғозга сариқ ранг бериш учун заъфарон ишлатилган. «Хитойи қоғоз» номи билан аталувчи қоғознинг керакли рангдагисини олиш учун унга заъфарон, хина ва бир неча томчи сиёҳ қўшилган⁹.

Самарқанд қоғози қадимдан бунёга машҳур бўлган ва бу анъана Темурийлар даврида ҳам янги босқичда ривожланган. Бу ноёб қоғоз асосан тут новдаларига узок муддатли ва машаққатли меҳнат орқали ишлаб чиқарилган. Демак, салтанатда нафақат ипакчилик, балки қоғоз ишлаб чиқаришда ҳам тут етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Амир Темури ва Темурийлар даврида Самарқанд қоғози Шарқ ва Ғарб давлатларига қарвон йўллари орқали олиб бориб сотилган ва улар жаҳон бозорида пишиқлиги, олий сифати, асрлар давомида сақланиб туриши ва энг асосийси машаққатли меҳнат эвазига тайёрланганлиги боис қадрланган. Ҳатто Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома" номи асарлари ҳам Самарқанд қоғозига ёзилган. Самарқанд қоғози тутдан тайёрлангани боис, қишлоқ хўжалигида олий навли тут дарахтини етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темури ва Темурийлар салтанатида Самарқанднинг Шарқ дунёсининг савдо-иқтисодий марказ ролини бажаришида барча соҳалар қаторида қишлоқ хўжалигининг ҳам ўрни катта бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

Кулолчилик маҳсулотларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-ғалла, донлар ва бошқа маҳсулотларни сақлашда ҳам кенг фойдаланилган. Археологик қазилмалар даврида дон-дунларни сақлашга мўлжалланган катта-катта хумлар топилган. Шу билан бирга уй-рўзғор буюмларининг катта қисмини ҳам айнан кулоллар ишлаб чиқарар эдилар. Шохрухияда ўтказилган археологик қазилмалар даврида шаҳристон этагида, ундан йўл билан ажратилган жойда кулолларининг катта мавзеси очиб ўрганилган.

Ишлаб чиқариш майдончалари, кулол ғилдираги учун мосламалар, тайёр лой массаси учун ванна, ярим тайёр маҳсулотларни қуритиш учун ҳовли-айванлар, идишларни пишириш учун бир камерали ва икки камерали сопол печлар, кулолларнинг ишлаб чиқариш таъминоти деталлари билан - идишларни осиш учун игналар, очиқ турдаги идишларни ўрнатиш учун сепоя стендлари, муҳрланган безакли шаклларда идишлар тайёрлаш учун лой калиблар, синиб кетган турли хил идишлар намуналари ва бошқалар¹⁰ шунинг кўрсатадики, Амир Темури салтанатида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кулолчилик маҳсулотларининг ўрни катта бўлган.

Амир Темури ва Темурийлар давлати шаҳарларида ривож топган ҳунармандлик турларидан бири этикдўзлик эди. Ишлаб чиқариладиган пойабзал турига қараб бу ҳунармандлар маҳсидўз, юмшоқ таг чармли этик тикувчи, кавшдўз, қаттиқ таг чармли (муза) этик

⁸Бундан олти ярим аср аввал Амир Темури боғида лимон ўстирилган // <https://zarnews.uz/post/bundan-olti-yarim-asr-avval-amir-temur-bogida-limon-ostirilgan>

⁹Амир Темури жаҳон тарихида...-Б. 93.

¹⁰Буряков Ю.Ф., Ташкент/Шахрухия - крупный торгово-ремесленный центр средневекового Мавераннахра (по археологическим источникам) Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тарих фанлари доктори, профессор Розия Галиевна Мукминованинг 80-йиллик юбилейига бағишланади (Халқаро анжуман маърузалари) Тошкент, 2003. -С. 103.



тикувчи музадўзлар каби мутахассисларга бўлинар эди¹¹. Эркаклар пойабзали кўплаб тайёрланар эди. Эски пойабзал таъмирловчи кўхнадўзлар ҳам этикдўзларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этган. XIII — XIV асрларда давлатга қарашли йирик хунаромандлик устахоналарида куллар меҳнатидан фойдаланилган.

Аҳолининг бир қисми кўнчиликка ихтисослашган. Улар совунгар, читгар ва бошқа хунаромандлар каби асосан шаҳарнинг чеккаларида фаолият кўрсатар эдилар. Зеро, қайта ишлов бериладиган хом ашёдан тарқаладиган ёқимсиз ҳид ҳам бундай турдаги ишлаб чиқаришни шаҳар чеккасида ташкил этишни талаб этар эди¹².

Бу даврда жундан ҳар хил гулли, қалин патли ва тақир гиламлар, палослар ҳам тўқилар, наматлар босилар эди. Намат уй-рўзғорда фақат тўшама сифатида эмас, балки ҳарбий кийим-бошлар тайёрлашда ҳам кенг ишлатилган. Анвойи гиламлар Амир Темури саройларини безар эди. Хукмрон сулоланинг оилавий тантаналари, ҳукмдорнинг ҳарбий юришлардан қайтиши ва элчиларнинг келиши муносабати билан пойтахт шаҳарларнинг асосий кўчалари ва уйларида деворлари гиламлар билан безатиларди¹³.

Манбаларда атлас, кимхоб, банорас ва духобалар қаторида товланувчан, ялтироқ хоро, нафис ва гулдор дебо каби шойидан тўқилган газмолларнинг номлари учрайди.

Албатта газламаларнинг бадавлат, ўрта ва камбағал табақаларга мўлжалланган турлари бор эди. Газламалар сифати ва безагига қараб айни шу матодан кийим кийган шахсларнинг ижтимоий жиҳатдан қайси табақага мансублигини аниқлаш мумкин бўлган.

Сарой деворлари ва чодирлар ҳам безак пардалар, турли расмли матолар, ипак ва парча газмоллар билан безатилган. Дид билан безатилган кўча ва майдонлар таърифини Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо ва бошқалар ўз асарларида баён этганлар.

Аслида гиламчилик ҳам чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда тараққий этган.

Қадимдан гилам тўқиш кўчманчи қабилалар орасида кенг тарқалган. Ўсимлик (пахта, зиғир, жут) толаси, жун (қўй, эчки, туя жуни)дангина тайёрланган. Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар ювилиб тозаланган, темир тароқларда таралган, таралган жунлардан ип йиғирилган. Иплар турли табиий бўёқлар билан бўялган¹⁴.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бўёқлар ҳам табиий дарахт, ўсимлик, буга ҳашаротлардан олинганки, Амир Темури ва Темурийлар давридаги кишлоқ хўжалиги ва чорвачилик бугун биз тасаввур қилганимиздан ҳам кўра, кенгроқ мавзуларни қамраб олган. Энг қизиғи, уларнинг барчаси экологик жиҳатдан тоза, сифатли ва инсон саломатлиги учун фойдали маҳсулотлар эди.

Баъзи хомашёлар четдан келтирилган. Харажат ва камчиқимлик учун бозор талаб ва таклифини яхши билган маҳаллий кишлоқ аҳолиси шу соҳаларга монанд хом-ашёларни етиштиришга эътибор қаратган. Масалан Бухорода қорақўлчилик айнан қорақўл хунаромандчилигига монанд равишда ривожланган. Унга талабнинг ортиши туфайли қорақўлчилик ривожланган, ташқи савдода ҳам бу омил муҳим рол ўйнаган.

Аграр жамият аъзоларининг ўз даври имкониятларидан тўлиқ фойдаланганликлари ва табиат билан мунтазам ва узвий мулоқотда бўлгани, барча ўсимлик, буга ва дарахтлар,

¹¹ Амир Темур ва жаҳон тарихида... -Б. 95.

¹² Бураков Ю.Ф., Ташкент Шахрухия - крупный торгово-ремесленный центр средневекового Мавераннахра

¹³ Амир Темур ва жаҳон тарихида... -Б. 94.

¹⁴ ЎМЭ, Г харфи.- Тошкент, 2001. -Б. 314.



хашаротларнинг хусусиятларини яхши билганлари, ўз даврининг энг йирик билимдонлари бўлганлари, фақатгина ўзларининг соҳаларини эмас, уларга боғлиқ барча икир-чикирларни яхши билганлари, улар яратган ҳар қандай ҳунармандчилик маҳсулотлари санъат даражасига кўтарилгани ва ўз сифатини асрлар оша сақлаб келаётганини кўрамыз. Ўша даврда табиат, инсон ва жамият, борлиқнинг ўзаро алоқадорлиги бугунги кундагидан кўра анча мукамалроқ эди. Ҳунармандлар ўз касбининг бошқа соҳалар билан боғлиқ тафсилотлари ва билимлари ҳамқида комплекс тушунчаларга эга бўлишган. Миқдор ва сифат мутаносиблиги таъминланган, бозор маркетинги, талаб ва таклиф қонуниятларига амал қилинган.

Бугунги қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликни ўзаро алоқадорликда ривожлантириш учун соҳалараро ёндашувлар, экологик тоза, инсон саломатлигини сақлашга қаратилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари ҳам ўрта асрлар ракурсидан кўриб чиқилиши ва шу асослар орқали қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо, умуман давлат ва жамиятни ривожлантириш масалаларига қайта назар солиш лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жуков, А. И., Юнусов, Х. Б., Джаббаров, Ш. А., Федотов, Д. Н., Даминов, А. С., Кучинский, М. П. (2020). МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ ПРОЯВЛЕНИЕ ПАТОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ОРГАНАХ ЖИВОТНЫХ.
2. Даминов А. С., РАЖАМУРОДОВ З. Т. ВЛИЯНИЕ БОБОВЫХ КУЛЬТУР НА РУБЦОВЫЙ МЕТАБОЛИЗМ У КОРОВ //Ветеринария. – 2004. – №. 12. – С. 45-45.
3. Mahammadiyev Zohid Nasrillayevich, Xamrayev Asqar Xasanovich, Daminov Asadullo Suvonovich. "INFLUENCE OF SOME BIOECOLOGICAL INDICATORS OF WATER ON FISH ORGANISM." *Archive of Conferences*. 2022.
4. Даминов А. С. и др. ИСПЫТАНИЕ НОВЫХ СОВРЕМЕННЫХ АНТГЕЛЬМИНТНЫХ ПРЕПАРАТОВ ПРИ ПАРАМФИСТОМАТОЗАХ ЖВАЧНЫХ //Вестник Ветеринарии и Животноводства. - 2022. – Т.2. - №1.
5. Даминов А. С., Уроков К.Х., Маматкулова Н. И. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚОРАМОЛЛАРИ ОРАСИДА ТРЕМАТОДОЗ ВА ЭХИНОКОККОЗНИ ТАРҚАЛИШ ДИНАМИКАСИ //Вестник Ветеринарии и Животноводства. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
6. Daminov Asadullo Suvonovich, Urokov Kamoliddin Khudaiberdievich, Mamatkulova Nargiza Ikramovna. "DYNAMICS OF THE DISTRIBUTION OF TREMATODOSIS AND ECHINOCOCCOSIS IN THE SAMARKAND REGION." *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* (2021): 5181-5185.
7. Даминов А. С., Ураков К. Х. ТЕРАПЕВТИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ МОНЕЗОЛА И МЕТСАЛБЕНА-2,5% ПРИ ФАСЦИОЛЕЗЕ И ПАРАМФИСТОМАТОЗЕ КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА //The Way of Science. – 2014. – С. 24.
8. Даминов А. С., Ураков К. Х. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОТДЕЛЬНЫХ АНТИГЕЛЬМИНТИКОВ ПРОТИВ ФАСЦИОЛЕЗА И ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА //Путь науки. – 2016. – Т. 1. – №. 9. – С. 37-40.

